

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 26 ноябрь, № 228 (5143) Жума

## Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси олдидан



*Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 3 декабрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар ва масалалар кўриб чиқилиши кўзда тутилаётир.*

# УСТУВОРЛИК ВА ИМТИЁЗ

**Давлатимиз раҳбарининг ёш тадбиркорларга бўлган алоҳида эътибори ўз самарасини бермоқда.**

Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам шулар жумласидандир. Ҳозир парламент юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳи ушбу ҳужжатни ҳар томонлама ўрганиб чиқмоқда. Мазкур қўмита аъзоси А. Бурхонов ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бугун мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шарт-шароитни яратиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Айниқса, уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш бўйича давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари эълон қилинди. Биргина мисол, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ёшлар учун жорий йилда камида 520 мингта янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу вазифа изчил рўёбга чиқарилаётир. Қолаверса, Дастурга мувофиқ, ҳар бир вилоятда ишламаётган, зарур муҳандислик коммуникацияларига, коммунал ва йўл инфратузилмасига эга бўлган корхоналарнинг ҳудудлари ва майдонларида тижорат банклари маблағлари ҳисобига биттадан индустриал парк ташкил этиш, кейинчалик ишлаб чиқариш майдонларини зарур кадастр ҳужжатларини расмийлаштирган ҳолда, тижорат асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Бу қўшимча иш жойи барпо этишда жуда қўл келаяпти.

Шунингдек, 2010 йилнинг 28 июлида Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унга биноан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни

(Давоми 2-бетда).

# ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

*Президентимиз Ислом Каримов томонидан янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган тамойиллардан бири — қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, энг аввало, Асосий Қонунимизда мустаҳкам белгилаб қўйилган. Юксак инсонпарварликка йўғрилган бу тамойил бугун амалий самаралар бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.*




**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам жамиятимизни ривожлантиришда мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мамлакатни модернизация қилиш шароитида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси ўринбосари Б. Мирбобоев, Олий суд раиси Б. Мустафоев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров, Олий хўжалик суди раиси Д. Мирзакаримов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатимиз Конституциясида белгиланган меъёрларнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани юртимиз тараққиётида муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Асосий Қонунимиз эркин ва фаровон ҳаётнинг муҳим пойдевори, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам асосидир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги конференцияда таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда истиқлол йилларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак даражадаги эътибор туфайли иқтидорли йигит-қизларимиз халқаро миқёсдаги нуфузли турнирларда юрт шанини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Буни шу кунларда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида давом этаётган XVI Осиё ўйинлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

# ВАТАН ШАНИ ВА ИФТИХОРИ

**Спортчиларимиз Хитойда бўлиб ўтаётган XVI Осиё ўйинларида катта ғалабани қўлга киритмоқдалар.**

Мусобақаларнинг ўн тўртинчи кунида Ўзбекистон спортчилари эришган ғалабалар барчамизга қувонч бағишлади. Эрта тонгдаги яхши кайфият бутун кун давомида кишига ҳамроҳ бўлади, дейишади. 25 ноябрь тонгида шундай хушкайфиятни бизга каноэчимиз, икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков тухфа этди. У 1000 метрга эшкак эшиш баҳсларида номдор рақибларини сезиларли даражада ортда қолдириб, Осиё ўйинлари олтин медали билан тақдирланди.

Вадимнинг ушбу спорт турида кўрсатаётган натижаларига бугун кўпчилик ҳавас билан қарайди. Унинг абжирлиги, маҳорат бобида тенгсиз экани халқаро миқёсда ҳам ҳамиша эътироф этиб келинади. Ҳамюртимиз 2009 йили Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилганди. Ўшанда у 1000 метрга каноэда эшкак эшиш баҳсларида олтин медални қўлга киритиб, ушбу муваффақияти эвазига йил якунида "Дунёнинг энг кучли каноэчиси", деб топилганди. Жорий йил Польшанинг Познань шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳам у ўзининг тенгсизлигини яна бир карра исботлаб, олтин медаль билан тақдирланди ва иккинчи бор дунёда энг кучли каноэчи, деб тан олинди.

Меньковнинг навбатдаги ажойиб муваффақиятини барчамиз катта қувонч билан тилга олиб турган пайтимизда каноэда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида ҳам вакилларимиз пешқадам бўлганлиги ҳақидаги муждани эшитдик. Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков ўз қайиқларида маррага биринчи бўлиб етиб келиб, навбатдаги олтин медални терма жамоамиз захирасига тухфа этишди. Орадан бир оз вақт ўтиб, байдаркада 1000 метрга тўрт кишилик эшкак эшиш баҳсларида Алексей Мочалов, Сергей Борзов, Алексей Бобожонов ва Вячеслав Горн тўртлиги олтин медалларни қўлга киритди.

Спортчиларимиз куннинг иккинчи ярмида ҳам зафарли юришларини давом эттирдилар. Эркин кураш баҳсларида гиламга чиққан вакилимиз, икки карра Олимпиада ўйинлари чемпиони, кўплаб нуфузли халқаро турнирлар ғолиби Артур Таймазов (120 кг.) ҳали-бери унга тенг келадиган курашчи йўқ эканлигини яна бир бор исботлади. Артур финалгача бўлган беллашувларда эронлик Валади Масумий, қирғизистонлик Айал Лазарев ва қозоғистонлик Нуржон Катаев каби тажрибали полвонлар курагини ерга теккизди. Финалда эса мўғулистонлик Чулунбат Жаргалсайхонни мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. Шу тариқа Артур Таймазов ўз совринлари ҳисобига Осиё ўйинларининг олтин медалини ҳам қўшиб қўйди.

Тажрибали боксчимиз Элшод Расулов жисмоний етуклик ва истеъдод бобида нафақат қитъада, балки жаҳонда ҳам алоҳида тилга олинади. У 2006 йил Қатарнинг Доҳа шаҳрида ташкил этилган қитъа ўйинларида 75 килограммгача бўлган вазнда олтин, 2009 йили

(Давоми 4-бетда).

## Қисқа сатрларда

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● РИШТОНлик тадбиркор Каримжон Маҳмудов туман марказидаги фойдаланилмай турган бинони таъмирлаб, китоб дўкони фаолиятини йўлга қўйди.

● **СИРДАРЁ вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида 48,2 километр масофага қувурлар тортилиб, чекка қишлоқлар аҳолиси табиий газ билан таъминланди. Ушбу мақсадлар учун 591 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди.**

● ЖИЗЗАХ давлат педагогика институтида вилоят адлия бошқармаси "Камолот" ЁИҲ вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Конституция — бахтимиз пойдевори" деб номланган тадбир уюштирди.

● **АНДИЖОН туманидаги "Оқ ёр" МЧЖ жамоаси иккиламчи металлга қайта ишлов бериб, уй-рўзғор буюмлари тайёрлашни йўлга қўйди. Ҳозир ўндан ортиқ янги иш ўринлари яратилган мазкур корхона томонидан ички бозорга дастлабки 30 миллион сўмлик маҳсулот чиқарилди.**

● ОҚДАРЁ туманида жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш дастурига асосан, 3100 киши иш билан таъминланди.

● **Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ФАРҒОНА вилояти бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ журналистларнинг Бухорога ижодий сафари ташкил этилди. Улар икки кун давомида бухоролик ҳамкасблари фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар ҳамда тарихий обидаларни зиёрат қилдилар.**

● КИТОБ туманидаги "Болта чорва сервис" МЧЖ қошида лойиҳа қиймати 40 минг АҚШ долларилик колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди. Натижада 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Натижада юртимиз тадбиркорлари ва ишбилармонлари ана шундай беқиёс имкониятлардан фойдаланиб, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.*

Бу борада Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан олиб борилаётган ишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, палатанинг бир қатор хорижий мамлакатлар савдо-саноат палаталари билан ҳамкорликда "Марказий Осиёда бизнесни ривожлантириш бўйича корхона, ташкилот вакиллари учун машғулотлар тренинги" лойиҳаси бунга мисол бўла олади.

Кеча пойтахтимизда мазкур лойиҳа ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги юздан ортиқ корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан бирга, қирқдан зиёд хорижий компания вакиллари ҳам иштирок этди.

**Тадбир**

— Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган, — деди Латвия Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Жаннета Жаунземе. — Ҳозир Ўзбекистонда латвиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида тўқимачилик, мебель ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш саноати, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослаштирилган йигирмага яқин корхоналар фаолият юритаётир. Истиқболда саноат чиқиндиларидан халқ хўжалиги учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ҳам музокаралар олиб бораяпмиз.

Тадбирда Ўзбекистон билан Италия, Чехия, Венгрия ва Латвия давлатлари компаниялари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро товар айирбошлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш, соҳага энергия тежовчи замонавий технологияларни татбиқ этиш сингари масалалар муҳокама қилинди.

**Сарвар ОЧИЛОВ.**

***Кеча Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида "Саноат автоматлаштириши учун интеллектуал тизимлар" мавзуидаги олтинчи халқаро анжуман иш бошлади. Мазкур тадбирда мамлакатимиз олимлари, ёш тадқиқотчилар, йирик саноат корхоналарининг мутахассислари ҳамда МДҲ мамлакатлари ва АҚШ, Германия, Канада давлатларидаги етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар иштирок этмоқда.***

# ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИНГ БЕҚИЁС САМАРАСИ

**Анжуман**

Анжуманнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, бугун олий ўқув даргоҳлари талаблари орасида жиддий изланишлар олиб бориб, илм-фан соҳасида ижобий натижаларни қўлга киритаётганлар сони тобора кўпаймоқда. Хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида ҳам йирик фундаментал тадқиқотлар, инновацион лойиҳалар устида қизғин иш олиб борилаётир. Кейинги йилларда университетнинг иқтидорли талабалари, магистр, аспирант, докторантлар ҳамда илмий ходимлар томонидан электроника ва автоматлаштириш, энергетика тизими, нефть ва газни қайта ишлаш жараёнларида қўл келадиган кўплаб ихтиролар яратилди. Энг муҳими, хориждаги нуфузли илмий тадқиқот муассасалари билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик алоқалари ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш, жаҳон илм-фани ютуқларини мамлакатимиз миқёсида изчил равишда кенг татбиқ этиб бориш имконини бермоқда.

(Давоми 3-бетда).

# ДАСТУРХОН ФАЙЗИ ВА ЗИЙНАТИ

**Корхоналаримизда қадоқланаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.**

Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 12 фоизга ўсгани бунинг тасдиғидир.



**СУРАТДА:** ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Озод Собиров ва бош технолог Николай Пликин. *Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.*

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Дарҳақиқат, ички бозор ўзимизда тайёрланган юқори сифатли маҳсулотлар билан тобора тўлиб бораяпти. Хорижники билан бемалол рақобатлаша оладиган озиқ-овқат неъматлари ўзининг хуштаъмлиги, нархининг нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

Аҳолининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашда янги ишлаб чиқариш қувватларининг улуши, айниқса, катта бўлаяпти. Чунки замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналарда жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шунинг учун республикамизда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини босқичма-босқич модернизация қилиш, янги корхоналар барпо этишга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилаяпти. Масалан, жорий йилнинг тўққиз ойида 867 та янги корхона фойдаланишга топширилган бўлса, шунинг 293 таси озиқ-овқат саноати ҳиссасига тўғри келди.

Қибрай туманидаги "Imkon Juice" масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Бу ерда табиий шарбатлар, шунингдек, яхна чой ичимлиги ишлаб

(Давоми 2-бетда).

**Маҳсулотларнинг ҳаммаси — ўзимизники!**

**Бир рақам шарҳи**

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми***

**1,4**

**баравар кўпайди.**

*Ўтган даврда жойларда Маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани туфайли соҳада шундай ижобий натижага эришилди.*

# УСТУВОРЛИК ВА ИМТИЁЗ

**Давлатимиз раҳбарининг ёш тадбиркорларга бўлган алоҳида эътибори ўз самарасини бермоқда.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Чунончи, микрофирмалар ва кичик корхоналар мамлакатимиздаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномаларини тузганда, ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган меъёридан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, улар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақлаб қолиниши белгиланган.

Айнан мана шу ҳужжатларда белгиланган нормалар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига тегишли қўшимча киритиш заруратини туғдирди. Чунки ушбу моддага мувофиқ, микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу меъёрга Президентимизнинг юқоридаги Фармон ва қарорида белгиланган истисно ҳолларини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Буларнинг барчаси, пировардида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлашдаги салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Қ. ХИДИРОВ**
**ёзиб олди.**



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузаси муҳокамасига бағишланди.***

# АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Эътироф этилганидек, Президентимиз томонидан тақдим этилган мазкур Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш йўлидаги навбатдаги изчил қадам бўлиб, бу тараққиётимиз йўналишларини белгилайди. Унинг самарали амалга оширилиши, табиийки, Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилишда янги уфқларни очиб беради.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу ҳужжат мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида барча жабҳаларда қўлга киритган ютуқларининг мустаҳкам пойдеворига асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлигини таъкидладилар. Унда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари аниқ ва равшан кўрсатиб берилган. Бу, шубҳасиз, юртимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида олиб борилаётган ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда Концепция доирасида илгари сурилган йўналишлардан бири — ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Қайд этилганидек, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган комплекс чора-тадбирлар соҳадаги муносабатларни тубдан янгилайди. Шу билан бирга, соҳага бозор механизмларини жорий этишни жадаллаштириш, ахборот олиш эркинлигини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга йўналтирилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида, тадбир иштирокчилари Концепцияда таклиф этилган "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, аввало, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ўзаро рақобатни янада кучайтириш, соҳага мобиль ва рақамли илғор технологияларни жорий этиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишини қайд этдилар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ислоҳотлар ОАВнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлаш, унинг эркинлигини таъминлаш каби жиҳатларнинг такомиллашувида, шу билан бир қаторда, мазкур соҳада эришилган ижобий натижаларнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш чоғида сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари аъзолари партия дастурларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари ва амалий таклифларини билдиришди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепция биз, депутатлар учун узоқ истиқболга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда устувор аҳамият касб этадиган дастуриламалдир, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Н. Муродов. — Айни пайтда либерал-демократик ғояларга таяниб, оммавий ахборот воситалари соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, уларнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, ОАВни ривожлантириш ҳамда ахборот соҳасида рақобатни янада кучайтириш борасидаги янги қонунларни қабул қилишни режалаштирмоқдамиз.

— Юртбошимиз маърузасининг ҳар бир бандини чуқур, батафсил ўрганган ҳолда, аниқ мақсадга йўналтирилган амалий режа ва дастурларни ишлаб чиқиш лозим, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Д. Холиқова. — Бунда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, улар ишининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсат ҳақида хабардорлигини ошириш масалаларига қаратилган таклифлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг қўмитадаги вакиллари концепцияда баён этилган оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосларини шакллантиришга доир чора-тадбирлар бугунги ва эртанги кун учун нақадар ҳаётий аҳамиятга эга эканига эътибор қаратишди. Уларнинг фикрича, бу ғоянинг амалга оширилиши Ўзбекистонда миллий ахборот маконини янада тараққий эттириш, долзарб медиамаҳсулотлар ва ахборотларни кенг жамоатчиликка етказиш, миллий журналистика мактабини янада ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари эса оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ҳокимият ҳамда жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари ўз дастурий мақсадларига мослигини айтиб ўтдилар.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўлим жазоси бекор қилинди, "Хабеас корпус" ва ярашув институтлари жорий этилди. Тергов қилиш ва қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари кучайтирилди. Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам муҳофазасига қаратилгандир.

Конференция иштирокчилари Президентимиз томонидан тақдим этилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид концепциядан келиб чиқадиган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича вазифалар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан самарали ва масъулиятли фаолият кўрсатишни талаб этишини таъкидлаб ўтишди.

Анжуманда демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари, суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнини бошқа ижтимоий соҳалар билан ўзаро аниқ, чуқур ва узвий ҳолда амалга ошириш, конституциявий суд ишлари юритилишининг такомиллаштирилиши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолатлари, нотариат институти фаолиятини янада такомиллаштириш каби масалалар бўйича маърузалар тингланди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# МОДЕРНИЗАЦИЯ — ИМКОНИЯТЛАР МАНБАИ

***Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони иқтисодиётимизнинг реал сектори корхоналари қувватини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш борасида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, Деновдаги "Сурхонозиқовқатсаноати" очиқ акциядорлик жамиятида ҳам ана шу асосда салмоқли ишлар қилинмоқда.***

**Фармон ва ижро**

Корхонада 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида бир миллиард 900 миллион сўмлик модернизациялаш ишлари бажарилди. Бу режада белгиланганидан бир миллиард 364 миллион сўм кўпдир.

Жамоа, айниқса, тежамкорлик ва сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратаётгани диққатга сазовор. Яқинда корхонада лойиҳа қиймати 750 минг АҚШ долларига тенг бўлган ва бир кеча-кундузда 35 тонна ўсимлик ёғини доғлайдиган (дезодорациялайдиган) иккита технологик линия ўрнатилди. Польшадан 172 миллион сўмга харид қилинган янги қадоқлаш линияси ҳам ишга туширилиш арафасида.

— Биз ҳозир ойига 600 тонна ёғни қадоқлаяпмиз, — дейди цех бошлиғи Шерқобил Алимардонов. — Янги технологияда бу кўрсаткични икки баравар ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда корхонада сутни қайта ишлаш, макарон ишлаб чиқариш линияларини қайта жиҳозлаш тадбирлари олиб борилаяпти. Айни пайтда жамоа аъзолари истеъмолчиларга қулай нархларда маҳсулот етказиб бериш борасидаги изланишларини янада жадаллаштирмоқдалар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** (чапдан) қурувчи Зайниддин Саидқулов, корхона раҳбарининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Ихтиёр Тожибоев ва пайвандловчи Зиёдулла Хаитов янги иншоот қурилишини кўздан кечирмоқда.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Халқаро валюта жамғармаси ҳамкорлигида БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда бюджет тизими ислоҳоти" лойиҳаси доирасида "Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш: жаҳон тажрибаси" мавзуида семинар ташкил этилди.***

**Семинар**

Маълумки, Президентимизнинг 2007 йил 28 февралдаги "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида молия органлари тизимини такомиллаштириш, бюджет ташкилотлари ходимларини давлат бюджетининг ғазна ижроси шароитларида ишлашга қайта тайёрлаш сингари вазифалар белгилаб берилган эди. Ўтган давр мобайнида бу борада талайгина ишлар амалга оширилди ва ушбу жараён изчил давом эттирилмоқда. Натижада мамлакатимиз молия тизимида сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар кузатилаяпти. Давлат харажатларини молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш мақсадида 2008 — 2018 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастур доирасида бюджетнинг ғазна ижроси ва давлат секторида бюджет ҳисобини юритишнинг янги тизимини жорий этиш, аниқ мақсадга қаратилган бюджет услубини яратиш, шунингдек, давлат молия органларини электронлаштириш бўйича муайян ишлар бажарилгани шундан далолат беради.

Тадбирда соҳадаги ана шу янгиликлар, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси хусусида сўз юритилиб, иштирокчилар мазкур йўналишдаги халқаро тажрибалар билан яқиндан танишдилар.

Семинар бугун ўз ишини давом эттиради.

**Лазиза СУЛТОНОВА.**

# ДАСТУРХОН ФАЙЗИ ВА ЗИЙНАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чиқариш йўлга қўйилган. Бунинг учун 229,5 миллион сўм маблағ эвазига хорижнинг замонавий технологик линияси олиб келиб ўрнатилди. Натижада 20 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланди.

Таъкидлаш керакки, жамият маҳсулотлари ўтган қисқа даврда мижозлар эътиборига тушди. Бежирим идишларда қадоқланаётган шарбатларга талаб кун сайин ортиб бораяпти. Дастлабки уч ойда 867 минг дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилгани, шундан 438 мингтаси сотилгани бунинг ёрқин далилидир.

— Ҳозирча маҳсулотларимиз ички бозорга чиқарилаяпти, — дейди жамият директори Д. Алимуҳаммедов. — Шарбатлар табиий хом ашёдан тайёрланаётгани боис уларга ташқи бозорда ҳам эҳтиёж бор. Шуни инобатга олиб, ташқи бозорни ўрганиш, чет эллик ҳамкорлар топиш, энг асосийси, маҳсулот сифатини янада ошириш ва турларини кўпайтириш борасида изчил изланаяпмиз. Натижалар яқин орада маҳсулот экспортига эришиш мумкинлигини кўрсатаяпти.

Корхонанинг лойиҳавий қуввати соатига 8 минг литр маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган. Жамият жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини ушбу кўрсаткичга етказиш, тушаётган буюртмаларни ўз вақтида бажариш мақсадида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солаяпти.

**Р. САИДОВ.**

***"2008 — 2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жорий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда". Президентимиз Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида алоҳида таъкидланган бу фактлар нечоғли асосли эканлигини мамлакатимизни 2010 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари яна бир карра исботлади.***

# ИЗЧИЛ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

## халқимиз турмуш фаровонлиги гарови

**Таҳлил**

Гап шундаки, ўтган давр мобайнида республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни, шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши эса 8,3 фоизни ташкил этди. Бу, том маънода, республикамизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг танланган ўз модели ва ўз вақтида қабул қилинган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаётганидан, тараққиётимизнинг мустаҳкам асоси яратилганидан далолатдир.

> Иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам асоси яратилгани ҳақида гап кетганда, аввало, Президентимизнинг 2009 йил 12 мартдаги қарори билан тасдиқланган 2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури муҳим дастуриламал бўлаётганини алоҳида қайд этиб ўтишга тўғри келади.

Бунинг сабаби шундаки, ўтган даврда мазкур дастур доирасида 156 та йирик инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилди. 50 мингта "Spark M300" енгил автомобили ишлаб чиқариш, "Евро-4" стандартига жавоб берадиган "Нексия" ва "Матиз" автомобилларини тайёрлашни ўзлаштириш, капсулланган автомобиль ойналарини, Деҳқонобод калий ўғитлари заводида 200 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятида фосфорит хом ашёси қўшилган аммиак селитрасини гранулалаштириш жараёнини жорий этиш, янги турдаги замонавий электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар шулар сирасига киради. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида асфальт заводи ва замонавий қурилиш-йўл ускуналари, Наманган вилоятида ип-газлама полотноси ишлаб чиқариш, Қашқадарё вилоятида табиий чармни қайта ишлаш бўйича янги қувватлар ишга туширилган бўлса, 9 та пахта тозалаш заводи модернизация қилиниб, реконструкциядан чиқарилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига 316,3 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиши натижасида 105 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Сирдарё вилоятида мазкур йўналишда 52 та лойиҳани амалга ошириш учун умумий қиймати 19,6 миллиард сўм ва 29,4 миллион АҚШ долларилик сармоялар жалб этилди. Наманган вилоятида 42 та корхонани модернизациялаштиришга 18,2 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлса, Жиззах вилоятида саноат соҳаси салоҳиятини ошириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга мувофиқ, 52 та корхона ишга туширилиб, 5 та корхонада модернизация қилиш ишлари тугалланди.

Иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқларида эришилаётган ютуқлар ҳам ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда. Чиндан ҳам, бугунги кунда республикамизда техник модернизация қилиш дастури ўзининг юксак самараларини бераётир. Ушбу жараёнда, табиийки, жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 10,8 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қиёсий нархларда 8,1 фоиз ўсгани, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15,1 фоиз кўпайгани ҳолда, жами 1,8 миллиард долларга етгани муҳим омил бўлди, албатта. Бундан ҳам муҳимроғи, амалга оширилган ана шу чора-тадбирлар самараси туфайли мамлакатимиз бўйича 784,9 мингта янги иш ўрни яратилди. Унинг 502,4 мингтадан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилгани эътиборлидир. Қолаверса, 2010 йилнинг январь — сентябрь ойларида ўртача иш ҳақининг барқарор ўсиши сақланиб, ҳисобот даврининг охирги ойида ушбу кўрсаткич 553,8 минг сўмни ташкил этдики, бу ўтган йилнинг шу давридагига таққослаганда, 32,1 фоиз кўпдир.

> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг мамлакатимизни 2010 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги расмий маълумотномасида таъкидланганидек, ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, шу асосда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида муҳим ва истиқболли йўналишларни амалга ошириш яқин йилларда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлашга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Бу вазифаларнинг ижроси, албатта, юртимиз янада обод, халқимиз турмуши эса бугунгидан-да фаровон бўлишига хизмат қилади.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жорий йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланди.

Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Парламент фаолиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизими ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек, демократик бозор ислоҳотларини тобора чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштириш шулар жумласидандир.

Бу олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади. Йиғилишда Президентимиз маърузасида белгиланган вазифаларнинг олий ва ўрта махсус таълим тизимида сўзсиз амалга оширилиши бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Унга кўра, маърузада кўтарилган концептуал ғояларни ўрганиш бўйича ўқув жараёнида махсус курс жорий этиш, маърузада билдирилган мулоҳазалар ва хулосаларни таълим муассасаларида интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда чуқур ўрганишни ташкил этиш, бунга соҳанинг етук мутахассислари ва тажрибали профессор-ўқитувчиларни кенг жалб қилиш белгилаб олинди. Мазкур жараёнда зарур ўқув-услубий адабиётлар ва кўргазмали педагогик воситаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш шароитида таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини яратиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифлар тайёрлаш, жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли равишда ташкил этиш, бунга педагог ва профессор-ўқитувчиларни кенг жалб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида Концепцияда белгиланган вазифаларни мазмунан сингдириб бориш, мазкур вазифалар асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз таълим тизими ташкилотлари, барча олий таълим муассасалари раҳбарлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирокида ўтказилган йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 743,8 ▲ +34,7 | УН биринчи нав 517,6 ▼ -9,5 | УН иккинчи нав 471,4 ▲ +4,4 | ПАХТА ЁҒИ 1746,7 ▲ +56,3 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 191,7 ▲ +0,02

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Йирик газ кони топилди

***Каспий денгизининг Озарбойжон мамлакати қисмида йирик газ кони топилди.***



"Умид" деб номланган мазкур конда 200 миллиард кубометр газ ва 30 миллион тоннадан ортиқ газ конденсати захираси борлиги айтилмоқда. У сўнгги вақтларда мамлакат ҳудудидан топилган иккинчи йирик газ кони бўлди. Бу ерда 1980 — 1990 йиллар оралиғида ҳам геологик қидирув ишлари олиб борилган ва самарасиз якунланганди.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, 2007 йилга қадар Озарбойжон табиий газга бўлган эҳтиёжининг маълум бир қисмини импорт ҳисобига қоплаб келаётганди. Ўша йилдан бошлаб эса топилган йирик газ конлари эвазига нафақат ички эҳтиёж тўлиқ қопланди, балки экспорт ҳам йўлга қўйилди.

## Савдо шохобчалари сонини оширди

***АҚШнинг "Ford Motor Company" автомобилсозлик компанияси Хитойда яна 100 та савдо шохобчасини очди.***

Шу тариқа мазкур мамлакатда "Ford" русумли автомобиллар савдоси билан шуғулланаётган дилерлик марказлари сони 340 тага етган. Сабаби, айни пайтга келиб Хитой дунёдаги энг катта автомобиль бозорига айланган. Хусусан, шу йилнинг январь — октябрь ойларида корхонанинг 468 минг дона автоулови мазкур мамлакатда сотилган. Бундан ташқари, мутасаддилар Осиё ва Африка минтақасида жорий йилнинг сўнгги чорагида савдо ҳажми 70 фоизга ўсишига умид қилишмоқда.

## Аэропортдаги кўнгилсизлик

***Мексикада "Ан-32" русумли вертолёт ҳалокатга учради.***



Мамлакатнинг Монтеррей шаҳрида юз берган кўнгилсизлик оқибатида беш нафар ҳарбий ҳаётдан кўз юмган. Манбага кўра, вертолёт Мариано Эскобедо аэропортига қўнаётган вақтда ерга зарб билан урилган ва ёниб кетган.

Ҳукумат мазкур фалокат сабабларини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилишини маълум қилди.

## 100 йилда тозалаш мумкин

***Буғ газини келтириб чиқарувчи зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиш суръати энг юқори кўрсаткичга етди.***



Бу ҳақда БМТнинг Бутунжаҳон метеорология ташкилоти томонидан маълум қилинди. 2009 йилда углерод оксиди, метан ва азот оксиди каби моддаларнинг атмосферага тарқалиши кескин ошган. Шу боис мутахассислар дунёда ишлаб чиқариш бутунлай тўхтатилганда ҳам, ҳаво қобиғи бу заҳарли газлардан халос бўлиши учун 100 йил керак бўлади, деб ҳисоблашмоқда. Ер юзида буғ газининг келиб чиқишига карбонат кислотаси энг кўп таъсир этади. 1970 йилдан буён унинг тарқалиши 38 фоизга ошган. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан кўп фойдаланилаётгани, ўрмон майдонларининг ҳаддан зиёд қисқариб кетиши ва атроф-муҳитга бўлган нотўғри муносабат туфайли шундай вазият юзага келган.

## Тинч аҳолига ҳужум уюштирилди

***Афғонистонда тинч аҳоли вакилларига ҳужум уюштирилди.***

Бу ҳақда "IANS" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Воқеа мамлакатнинг Фарёб музофотида юз берган. Оқибатда беш киши ҳаётдан кўз юмган, тўрт нафар одам эса тан жароҳати олган. Мамлакатдаги халқаро хавфсизлик кучлари матбуот хизмати хабарига кўра, мазкур қабиҳликни ҳозирча бирор бир гуруҳ ўз зиммасига олмаган.

## Талаб ва таклиф мутаносиблиги

***Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) бош котиби Абдулла ал-Бадрининг таъкидлашича, жаҳон "қора олтин" бозорида тартибсизлик юзага келиши хавфи пайдо бўлган.***




Углеводород хом ашёсини етказиб берувчи корхоналар иш жараёнида мувозанатнинг бузилаётгани шундай салбий ҳодисани келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ташкилот вазиятни тезроқ назоратга олиш лозимлигини уқтирмоқда. Бош котибнинг айтишича, биржадан ташқари савдоларда маҳсулот қиймати тез-тез ўзгариб турибди. Бу эса талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка путур етказади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИНГ БЕҚИЁС САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда шу хусусда сўз борар экан, 2009 йилда "Honeywell Process Solution" халқаро компанияси ва ТошДТУ ўртасида имзоланган битимга мувофиқ, университетда янги ўқув маркази ташкил этилганлиги алоҳида эътироф этилди. Ушбу марказ "Honeywell" компаниясининг жиҳозлари, дастурий воситалари ҳамда лаборатория ускуналари билан таъминланган бўлиб, талабалар унинг ёрдамида назарий билимларини амалиётда қўллаш имконига эга бўладилар.

— Янги марказ электроника ва автоматика, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда бошқарув, нефть ва газни қайта ишлаш йўналишлари бўйича таълим олаётган талабаларнинг амалий билим ҳамда кўникмаларини ошириш учун мўлжалланган, — дейди марказ ўқитувчиси Шуҳрат Қодиров. — Марказдаги ўқув-услубий, техник воситалар бўлажак мутахассисларнинг ишлаб чиқариш саноатидаги замонавий технологияларни бошқариш ва қўллаш борасида етук малакага эга бўлишлари учун хизмат қилади. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги саноатда "Honeywell" компаниясининг энг сўнгги техник ускуналаридан фойдаланувчи бир қатор йирик заводлар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган бўлиб, бу марказимиз аъзоларининг салоҳият ва иқтидорини адолатли баҳолаб боришда қўл келиши, шубҳасиз.

Тадбир доирасида мазкур янги ўқув марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг илмий-амалий анжуманнинг ялпи йиғилиши ҳамда шўъба мажлислари бошланди. Ушбу йиғинларда интеллектуал ахборот тизимларининг аҳамияти, дастурий таъминотнинг ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилиши ҳамда замонавий технологиялар билан ишлашда мутахассислар малакасини ошириш масалаларига бағишланган илмий маърузалар тингланди.

**М. АНВАРОВА.**

# ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлмиш миллий армиямизни шакллантириш, унинг жанговар куч ва имкониятларини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

Ўтган вақт мобайнида барча бўғиндаги ҳарбийларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган кадрлар тайёрлашнинг шундай тизими яратилдики, бу Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка эга ҳамда стратегик фикрлай оладиган мутахассислар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Кеча Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби курсантларининг навбатдаги битирувига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам шулар хусусида сўз юритилди.

**Ифтихор**

Таъкидланганидек, республикамиздаги олий ҳарбий билим юртлари ҳамда сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқув-тарбиявий жараёнларнинг сифати замон талаблари ва андозаларига мослашиб бораётгани, моддий-техник база яхшиланиб, таълимнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилаётгани ҳарбий хизматчиларни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ана шундай шароитда таълим олган юксак салоҳиятли сержантлар бугун миллий армиямиз сафларида ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги мутасаддилари, сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчилари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ва битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БАРХАНЛАР БАҒРИДА БОҒЛАР УНАДИ

***Ерларнинг емирилиши ва саҳроланиши жаҳон миқёсидаги энг долзарб экологик муаммолардан бири ҳисобланади. БМТ маълумотларига қараганда, сўнгги 40 йил ичида сайёрамизнинг деҳқончилик учун яроқли бўлган ер майдонларининг қарийб учдан бир қисми унумдорлигини йўқотган.***

Жуғрофий жойлашуви ва иқлим шароитига кўра, Ўзбекистон экологик таназзулга, айниқса, ўсимлик қоплами ва чўл экотизимларининг чекинишига жуда таъсирчан. Шу боис мамлакатимизда ерларнинг унумдорлигини ошириш, чўлга айланиш хавфи мавжуд ҳудудларнинг экологик барқарорлигини таъминлаш, яшил майдонларни кенгайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда миллий дастурлар қаторида халқаро лойиҳаларнинг изчил рўёбга чиқарилаётгани ўзининг юксак самараларини бераяпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик жамғарма кўмагида амалга оширилаётган лойиҳа бунга мисол бўла олади. "Қорақалпоғистон Республикаси ва Қизилқум чўлидаги таназзулга учраган ерларда экотизим барқарорлигини таъминлаш" деб номланган мазкур лойиҳа ижросига 2008 йилда киришилган эди.

Пойтахтимизда ташкил этилган давра суҳбатида ўтган давр мобайнида ана шу лойиҳа бўйича амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

Таъкидландики, қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири — чорвачилик қишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Бироқ яйловлар маҳсулдорлигининг пасайиши, ерларнинг таназзулга учраши ушбу тармоқ ривожига салбий таъсир ўтказмай қолмаяпти. Шунинг учун чорвачиликни барқарор ривожлантириш, чўл ҳудудларида яйловларни бошқариш ва саҳроланиш муаммоларининг инновацион ечимларини синовдан ўтказиш,

**Экология**

баҳолаш ҳамда амалга ошириш лойиҳанинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

— Оролбўйи ва Қизилқум чўли минтақасида танлаб олинган "Қозоқдарё" ва "Қизил Работ" ширкат хўжаликларида бу борада муайян ишлар бажарилди, — дейди лойиҳанинг миллий мувофиқлаштирувчиси Умид Назарқулов. — Хусусан, яйловлардан оқилона фойдаланиш тизими ишлаб чиқилди. Бу ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, биохилма-хилликка путур етказмаган ҳолда, соҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан, айниқса, аҳамиятлидир. Айтиш жоизки, жойларда яйловдан фойдаланувчилар комиссияси ташкил этилгани, зооветеринария шохобчалари очилгани ҳам ишимизни жадаллаштирмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсадларидан яна бири чўл шароитига мос ўсимликларнинг янги турларини аниқлаш ва уларни кўпайтиришдан иборат. Бу йўналишда олиб борилган изланишлар натижасида ўсимликларнинг қум кўчишини тўхтатишга хизмат қиладиган 17, шўрга чидамли 10 ва яйловбоп 6 тури аниқланди. Айни пайтда улар тажрибадан ўтказилаяпти.

— Лойиҳа доирасида аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди "Қизил Работ" қоракўлчилик ширкат хўжалиги раиси Нурмуҳаммад Қудабоев. — Жумладан, овулларда замонавий сартарошхона, бичиш-тикиш ва жунни қайта ишлаш цехлари ташкил этилди, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожлантирилмоқда. Бу каби қўшимча даромад манбалари юзага келиши эвазига аҳоли бандлиги ошаяпти, уларнинг табиатга таъсири камаймоқда.

Соҳа мутахассисларининг лойиҳа самарадорлигини янада ошириш, келгусида бажариладиган ишлар кўламини кенгайтириш хусусидаги таклиф ва тавсиялари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Зеро, улар барханлар бағрини яшилликка буркашга қаратилгандир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Бунёдкорлик**

# Спорт мактаби — янги бинода

**Наманган шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун янги бино қуриб битказилди.**

Қишки спорт зали, баскетбол ва волейбол майдонларига эга бўлган мазкур иншоотни барпо этиш учун бир миллиард 190 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Айни пайтда мактабда маҳорат ошираётган 400 нафардан зиёд ўғил-қиз яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, машғулотлар самарадорлигини оширишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг молиявий кўмаги билан вилоятда 4 та мактаб учун спорт зали қурилди, Наманган шаҳридаги велотрек, уч залли спорт мажмуаси, битта сузиш ҳавзаси ва бошқа қатор иншоотлар реконструкциядан чиқарилди. Бу ишлар учун 7 миллиард 440 миллион сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ПАРРАНДАЧИЛИК БЎЙИЧА
АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ
ХТТ ТХК ЖК ва МЧЖ «ПО ТЕХНА» (Украина)
БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
✓ Парранда (товуқ ва бройлер) тухуми ва гўштини автоматлаштирилган тизимда етиштириш:



- озуқа тарқатиш;
- ахлатини йиғиш;
- тухумларни сортларга ажратиш;
- вентиляция қурилмалари ўрнатиш ва микроиқлим яратишни ўз ичига олади.

✓ Корхона томонидан тайёрланган уч ярусли батареялар — КН-120.
ТЎЛОВ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.
Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Катта хирмонтепа к. (собиқ Сегизбоев), 1-уй. Тел.: (8-371) 272-97-16, 272-90-82, 272-95-76, (+99898) 367-00-15, 367-00-16. E-mail: kprvt@mail.ru
1133Я/1328

«ҚАШҚАДАРЁ ТЕХНОЛОГИК ТРАНСПОРТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
танлов асосида 10 дона
БУЛЬДОЗЕР
сотиб олишини маълум қилади.
Тижорат таклифлари бўлса, қуйидаги манзилга жўнатиш мумкин:
180100, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 3 км., а/қ 17.
Телефон: (+99898) 775-05-80.
Факс: (8-375) 780-85-42.
1146Я/1369

ООО «Росмет Плюс»
прямые поставки с
СеверСталь открытое акционерное общество
ArcelorMittal
МЕТАЛЛОПРОКАТ
в наличии на складе
КАТАНКА 5,5 — 6,5 мм
поставляем под заказ
проволоку
в широком ассортименте В1, В2, ВР, Св08А
листы Г/К, Х/К, 09Г2С любых размеров.
Тел.: (+99890) 187-75-77, (+99893) 501-75-77. Тел./факс 150-39-21.
Эл. адрес: mas-met@mail.ru




«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ
пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни сотиб олади:
- мол гўшти, парранда гўшти, колбаса маҳсулотлари, товуқ тухуми;
- макарон маҳсулотлари, гречиха, арпа, сўк ва сули ёрмалари, перловка, янчилган горох, оқланган тариқ (пшено), мош, фасоль, нўхат, гуруч;
- қандолат маҳсулотлари: вафли, печенье, пряник, кисель, какао;
- сариёғ, ўсимлик ёғи.

Маълумот олиш учун телефон: (8-371) 237-14-94.
Факс: (8-371) 237-14-92.

2010 йил 14 октябрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларини «ZiyoNET» ахборот таълим тармоғи доирасида интернет тармоғига улаш бўйича эълон қилинган тендер якунланганлиги ҳамда тендер комиссиясининг 2010 йил 22 ноябрдаги 21-сонли баёнига мувофиқ, 1 ва 2-лотлар бўйича
«Ўзбектелеком» АК «UzNet» филиали ғолиб, деб топилганлиги маълум қилинади.


| | | | |
|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ | 218,9 | ▼ | -10,4 |
| ШРОТ | 204,0 | ▲ | +1,2 |
| ШЕЛУХА | 80,1 | ▼ | -29,9 |
| ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 | 3411,8 | ▼ | -188,2 |
| ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 | 2791,1 | ▼ | -837,2 |
| ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 | 2946,4 | ▼ | -513,2 |
| МАЗУТ | 308,3 | ▼ | -208,3 |
| СУЮЛТ.ГАЗ | 1989,3 | ▼ | -417,2 |
| КЎМИР(бпк) | 45,1 | ▲ | +6,7 |

# ВАТАН ШАНИ ВА ИФТИХОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Италиянинг Милан шаҳрида уюштирилган жаҳон чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланганди. Айни пайтда 81 килограмм вазн тоифасида мусобақаларда иштирок этаётган спортчимиз саралаш жангларида рақибларини катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Ярим финалда эса хитойлик боксчи Менг Фанлонгни 12:1 ҳисобида енгди. Ҳал қилувчи финал беллашувида эса ҳиндистонлик Динеш Кумар устидан 10:4 ҳисобида зафар қучиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Шундай қилиб, 25 ноябрь куни музаффар спортчиларимиз шарафига беш маротаба Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, Ватанимиз мадҳияси янгради.

Ёш иқтидорли боксчимиз Ўктамжон Раҳмонов (69 кг.), эркин курашчимиз Қурбон Қурбонов (96 кг.) ҳам олтин медалларга жуда яқин туришган эди. Афсуски, иккала спортчимиз ҳам финалда имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан кифояланишди. Шунингдек, Ксения Прилепскова, Юлия Борзова, Екатерина Шубина ва Виктория Петришина байдаркада 500 метрга эшкак эшиш баҳсларида, Ульяна Трофимова, Жамила Раҳматова ва Замира Санақулова бадиий гимнастика бўйича жамоавий мусобақада кумуш медаллар совриндори бўлишди. Енгил атлетикачимиз Гўзал Хуббиева 200 метрга югуришда, боксчи Хуршид Тожибоев (60 кг.) бронза медални қўлга киритишди.

Ҳозирча спортчиларимиз 10 та олтин, 17 та кумуш ва 20 та бронза медали билан норасмий умумжамоа ҳисобида қирқдан ортиқ мамлакат вакиллари орасида еттинчи ўринда боришмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**



Хушхабар

***Ушбу ҳафтада юртимиз спорти тарихидан муносиб ўрин оладиган, барчамизга чексиз ғурур бағишлайдиган воқеалар жуда кўп бўлди. Жумладан, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида давом этаётган XVI Осиё ўйинларида вакилларимизнинг бирин-кетин олтин медалларни қўлга киритаётганини эшитиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.***

# РАВШАН ЭРМАТОВ – ҚИТЪАНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ

Ўзаро давраларда ана шу муваффақиятлар ҳақида тўлқинланиб сўз юритилаётган пайтда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридан яна бир ажойиб хушхабар олдик. Бу ерда ОФКнинг мавсум якунларига бағишлаб ташкил этилган нуфузли анжуманида ФИФА рефериси, ҳамюртимиз Равшан Эрматов учинчи бор "Осиёнинг энг яхши ҳакамаи" деб топилди.

Таъкидлаш жоизки, Эрматов қитъа миқёсида бундай юксак шарафга кетма-кет уч марта сазовор бўлган ягона ҳакамдир. Бунгача хитойлик Лу Чжун ва сингапурлик Шамсул Майдин икки карра ана шу номга лойиқ кўрилган. Ватандошимизга мукофотни Осиё футбол конфедерацияси вице-президенти Юсуф Ал-Серкал топширди.

— Мен учун бу катта шараф, — деди ФИФА рефериси тақдирлаш маросимида. — Бундан кейин ҳам Ўзбекистон шанини янада юқори чўққиларга олиб чиқишга ваъда бераман.

Мазкур номинация ғолиби овоз бериш йўли билан аниқланди. Унда Равшан Эрматов 9,02 балл йиғиб, япониялик Юичи Нишимура ва Саудия Арабистони вакили Халил Ал-Гамдий кабиларни ортда қолдиришга эришди.

Шу ўринда юртдошимизнинг ўз фаолияти давомида қатор нуфузли мусобақаларда ишончли иштирок этиб келаётганини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, у ҳозиргача Финляндия, Канада ва Жанубий Корея давлатлари мезбонлик қилган ёшлар ҳамда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари баҳсларини, 2008 йилги клублараро жаҳон чемпионати финалини муваффақиятли бошқарган. Р. Эрматов, айниқса, жорий йил ЖАР яшил майдонларида бўлиб ўтган навбатдаги мундиалда энг кўп — бешта учрашувни юқори савияда олиб бориб, ФИФА томонидан алоҳида эътироф этилди ва унинг номи жаҳон футболи тарихига муҳрланди.

Юртбошимиз Фармонига биноан, ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Эрматов "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланган.

## Муваффақиятлар давом эттирилди

***Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида дзюдо бўйича халқаро турнир — Гран-при мусобақалари бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон, БАА, Россия, Италия, Миср, Германия, АҚШ, Хитой каби мамлакатлар полвонлари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Қувонарлиси, нуфузли биринчиликда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этдилар. Хуршид Набиев ва Рамзиддин Саидов барча рақиблари устидан зафар қучиб, олтин медаль соҳибига айланишди. Шунингдек, Абдулла Тангриев кумуш, Ўткир Қурбонов ва Улуғбек Норқобилов эса бронза медаллари билан тақдирландилар. Ушбу натижалар XVI Осиё ўйинларида дзюдочиларимиз томонидан қўлга киритилган муваффақиятларнинг мантиқий давоми бўлди.

**С. МАХСУМОВ тайёрлади.**

***Кўҳна ва навқирон Самарқанд ҳамиша дунё сайёҳлари нигоҳида бўлиб келган. Айниқса, истиқлол йилларида шаҳарнинг янада обод ва кўркам қиёфа касб этиши туфайли бу қадимий заминга келувчилар сони анча кўпайди. Негаки, Самарқанд эндиликда нафақат тарихий обидалари ва қадамжолари, балки янгидан барпо этилган муҳташам иншоотлари, кўркам боғу хиёбонлари, равон йўлу кўчалари, қисқача айтганда, улкан сайёҳлик салоҳияти билан тилга тушмоқда, эътибор ва эътироф қозонмоқда.***

# ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПМОҚДА



Яқинда шаҳарнинг Амир Темур номидаги кўчасида жойлашган миллий ошхоналардан бирида франциялик бир гуруҳ сайёҳларни учратиб қолдик. Улар айнан ушбу кўчадаги беқиёс ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб суҳбатлашаётган экан.

— Шаҳарнинг ҳар қадамида катта ўзгариш-янгиланишлар, ҳар гўшада улкан бунёдкорлик ишларига дуч келасиз, — дейди улардан бири.

— Ҳар бир иншоот пештоқидаги ёзувлар, рекламаларнинг жойлаштирилишига қаранг. Ҳаммасида миллийлик, юксак маънавият намуналари акс этган, — дея шеригининг сўзларини қуллаб-қувватлайди иккинчиси.

Дарҳақиқат, хорижлик меҳмонларнинг эътирофи бежиз эмас. Кейинги йилларда шаҳарда мисли кўрилмаган даражада бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги кўчалар, хиёбонлар, боғлар, қанчадан-қанча иншоотлар, уй-жойлар барпо этилди. Ана шу янгиланишлар жараёнида халқимизнинг қадимий ўтмиши ва қадриятлари эътиборда тутилмоқда. Маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳаллалар, ташкилотлар ва бошқа иншоотлар номланишида миллийлик устувордир.

Ғурур

Айниқса, шаҳар ҳокимлигининг пештоқ ёзувлари, ташқи реклама ва ахборот воситаларини жойлаштиришни тартибга солиш борасидаги саъй-ҳаракати диққатга сазовор. Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссияси таркибига ҳокимлик вакиллари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, шаҳар ободонлаштириш корхоналари раҳбарлари ҳамда тарихчи ва тилшунос олимлар киритилди.

— Кейинги йилларда шаҳримиздаги мавжуд 515 та кўчанинг 484 таси, 192 та маҳалланинг 21 таси тарихий-миллий анъаналаримизга, маънавият ва тафаккуримизга мос равишда қайта номланди, — дейди шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Фахриддин Холиқов. — Кўчалар ва барча иншоотлар ном кўрсаткичлари шаҳар "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси томонидан бежирим қилиб тайёрланди. Жорий йилнинг ўзида қадриятларимиз ва миллийлигимизга мос келмайдиган 29 та юридик ташкилотнинг номи ўзгартирилди.

Бугун Самарқанднинг Мирзо Улуғбек, Беруний, Бўстонсарой, Бибихоним, Намуна, Қўшҳовуз кўчаларини кезган киши шаҳарда юксак маънавиятга, қадриятларимизнинг янада қадр топишига, миллийликка юксак эътибор берилаётганининг гувоҳи бўлади. Бундай улуғ ишлар эндиликда шаҳарнинг ҳар бир мавзеси, кўчалари, маҳаллалари, ташкилотларида давом этмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Мамлакатимизда бозорлар ва савдо мажмуалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш ва ҳажмини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

# НАЗОРАТНИНГ КАФОЛАТЛИ ТИЗИМИ

## солиқ идоралари ходимларига қулайликлар туғдирмоқда

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.

Қарор талаблари асосида, энг аввало, савдо мажмуаларининг янги намунадаги паспортлари тузилиб, ушбу ҳужжатда уларнинг ихтисослашуви ва иш тартиби, турғун савдо шохобчалари, савдо ўринлари сони ва жойлашуви, мавжуд инфратузилма объектлари, кўрсатилаётган хизмат турлари ҳақидаги маълумотлар жамланди.

Қарор ва ижро

Жиззах шаҳридаги "Кўкбозор деҳқон бозори" ОАЖ — вилоятдаги йирик савдо мажмуаларидан бири. Бу ерда ҳам янги намунадаги паспорт тузилиб, амалиётга жорий қилинган. Ушбу ҳолат солиқ идоралари ходимларининг барча жамоалардан тушадиган бир марталик йиғим, кўрсатилаётган турли хизматлар ҳақи, ижара тўловлари каби маълумотлардан тезкор равишда ва мунтазам хабардор бўлиб туришларида қулайлик туғдирмоқда. Электрон дастурдаги аниқ ҳисоб-китоблар орқали зарур тўловларнинг банк шохобчаларига ўз вақтида ўтказилиши назорат қилиб борилаяпти.

Эътиборли жиҳати, бозорлар фаолиятининг шундай такомиллашган тизим асосида ташкил этилиши ҳудудда ноқонуний савдога чек қўйиш, истеъмолга яроқсиз, давлат стандарти кўригидан ўтмаган маҳсулотлар билан савдо қилувчи сохта тадбиркорлар фаолиятига барҳам бериш имконини яратмоқда.

Шу мақсадда ўтказилган рейдлар, қисқа муддатли текширувлар натижасида салкам 200 миллион сўмлик товар-моддий бойликлари савдодан олиб қўйилди. Қонунбузарларга нисбатан жами 41,7 миллион сўмлик молиявий жарима қўлланилди. Зарур ҳолларда жиноий иш ҳам қўзғатилди.

Текширишлар давомида аниқланишича, бозорларда истеъмолга яроқсиз пахта ёғи сотилиши ҳолатлари кўп учрамоқда.

Жумладан, ана шундай тезкор тадбирлар натижасида яқинда Жиззах туманининг Қораянтоқ қишлоғида яшовчи Шавкат Шайзоқов ҳамда шу тумандаги "Оқ олтин" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Ойхумор Пардаева хонадонларидаги яширин цехлар фош этилди. Ғаллаороллик Файзулла Акромовга тегишли ноқонуний кичик цех фаолиятига чек қўйилди. Қисқача айтганда, бу каби яширин цехларда тайёрланган ўсимлик ёғи билан савдо қилаётганлардан жами 7 миллион 363 минг сўмлик салкам 2,7 тонна маҳсулот мусодара қилинди.

Табиийки, юқоридаги каби қонунбузарлик ҳолатлари охир-оқибат сотувчиларга ҳам, истеъмолчиларга ҳам, қолаверса, давлат ғазнасига ҳам катта зиён келтиради. Шундай экан, мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ҳалол меҳнат қилиш ва шу орқали даромад орттиришга не етсин.

**Н. ТУРСУНОВ, Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

# ДЎСТ БОШГА ҚАРАЙДИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан...» деб номланган кўрик-танловнинг якуний босқичи бошланганлиги муносабати билан кўргазма-ярмарка бўлиб ўтмоқда. Мазкур танлов Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан республика "Ҳунарманд" уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда бўлиб ўтган саралаш босқичларида ҳунармандчилик билан шуғулланаётган юз нафарга яқин устоз ва шогирдлар иштирок этдилар. Якуний босқичда эса ҳар бир ҳудуддан икки киши, яъни 28 нафар иштирокчи қатнашди.

— Ҳар икки йилда бир маротаба анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танлов йилдан-йилга кенг кўлам ва мазмун-моҳият касб этиб бормоқда, — дейди республика Хотин-қизлар қўмитасининг бош мутахассиси Дилором Муродова. — Ушбу тадбир ёшларимизни миллий қадриятларга эҳтиром руҳида камол топтиришга, ҳунармандчиликда устоз-шогирд анъаналари бардавомлигини таъминлашга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, бу галги танловда ҳам етук малакали санъатшунос мутахассислар юртимизнинг энг чекка қишлоқларига бориб, аждодлардан мерос ҳунарларни асраб-авайлашга ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизларнинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишишди. Ўқув юртлари, қишлоғу маҳаллаларда қизларнинг ҳунар ўрганиши учун марказ ва устахоналар очган ҳунармандларга келгусида моддий ҳамда маънавий жиҳатдан кўмак бериш галдаги вазифа сифатида белгилаб олинди.

Мерос



Навоийлик Гулруҳ Бозорова зардўзлик ҳунари билан шуғулланади. Айни пайтда у ўзи фаолият юритаётган Зарафшон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи қошида тикувчилик маркази очиб, ўнлаб шогирд қизларга ҳунар ўргатаяпти. Гулруҳ кўрик-танловга улар билан биргаликда зардўзи, гулдўзи, заминдўзи усулларида новвоти зардан тиккан дўппию сўзаналарини тақдим этган.

— Ҳунармандлар сулоласининг бешинчи авлодиман, — дейди чевар қиз. — Зардўзлик бизга момоларимиздан мерос қолган. Шунинг учун ҳам бу ҳунарни янада ривожлантиришга муносиб улуш қўшишни сулоламиз аъзолари ўзларининг бурчи, деб билади. Коллеж ўқувчилари билан биргаликда вилоят миқёсида ўтказиладиган турли кўрик-танловлар, кўргазма ва фестивалларда мунтазам иштирок этаяпмиз.

Бундан ташқари, Зарафшон шаҳридаги кўплаб бадиий жамоалар, гуруҳ ва ансамбллар билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Уларнинг буюртмасига асосан, концерт ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар учун миллий руҳдаги саҳна либосларини тайёрлаймиз. Республика миқёсида ўтказилаётган бундай нуфузли кўрик-танловда эса илк бор қатнашишимиз. Юртимизнинг турли вилоятларида меҳнат қилаётган ўзимиз каби тикувчи қизлар, уста чеварлар ижоди билан яқиндан танишганимиздан ниҳоятда хурсандмиз.

Дарҳақиқат, миллий матолардан тикилган бетакрор либослар, қадимий ва замонавий дўппи, салла, чўгирма (хоразмча телпак) каби ноёб буюмлар чинакам санъат шайдоларига бир олам завқ бағишлаши, табиий. Эътиборлиси, мазкур кўргазма доирасида лапар ва ўланлар айтишуви, бадиий жамоалар иштирокидаги концерт дастурлари, тажрибали чеварларнинг маҳорат сабоқлари ҳам ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** кўргазма фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**



## ОБ-ҲАВО

**(26 ноябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 2-4 даража, кундузи 14-16 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

## «Япония — болалар нигоҳида»

Кўргазма

***Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида шу мавзудаги кўргазма иш бошлади.***

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Япониянинг Соко университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиларининг Кунчиқар юрт ҳаёти акс эттирилган машқлари намойиш қилинмоқда.

Ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ушбу кўргазмадан юздан зиёд ижодий ишлар ўрин олган бўлиб, уларда болаларга хос самимият, беғуборлик акс этиб турибди. Айниқса, Муниса Анварованинг "Икки дўст", Азиза Хўжатоеванинг "Дугоналар", София Гардманнинг "Япон қизи — меҳмонимиз", Дима Ефременконинг "Япониялик дўстим" деб номланган машқлари ўта самимийлиги билан ажралиб туради.

Кўргазма декабрь ойига қадар давом этади.

**К. ЭРМАМАТОВА.**

## Шифохонага хориж гранти

Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқхона мажмуаси Япониянинг "Норвали компани ЛТД" компанияси томонидан ажратилган 70,8 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Улар орасида сунъий нафас олдириш аппарати, иситиш столи, электрокагулятор сингари етти турдаги тиббий ускуналар бор. Бу каби қулайликлар туманда оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалашни янада яхшилашга хизмат қилади.

Саломатлик

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ООО
ПРОИЗВОДИТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ
ДЛЯ ВОДОСНАБЖЕНИЯ, ГАЗОСНАБЖЕНИЯ И ДЛЯ КАНАЛИЗАЦИИ
Диаметр труб от 16 до 710 мм, выдерживающие давление до 20 кгс/см²
Соединительные детали:
ТРОЙНИКИ, ПЕРЕХОДНИКИ, ОТВОДЫ, АДАПТЕРЫ, КРЕСТОВИНА
Проводим монтаж трубопроводов
Используем только первичное сырье: PE-80, PE-100
На всю продукцию имеется СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ а также ISO 9001:2008
Индивидуальный подход к каждому клиенту. Качество у нас!!!
Гибкая система СКИДОК
Гарантия — 2 года, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, головной офис: Бизнес-центр «Лабзак».
Тел./факс: 244-83-00, моб. (+998 90) 995-19-99, (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 404-56-42.
e-mail: sedou2006@yandex.ru
565Я/680

Ўзбекистон "Ўзкоммунхизмат" агентлиги жамоаси Сирдарё вилояти "Сувоқова" бошқармаси бошлиғи Улуғбек Назаровга волидаи муҳтарамаси **ДИЛБАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (пц400 д20) | 157,9 | ▼ | -3,6 |
| ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) | 174,4 | ▲ | +0,9 |
| АРМАТУРА | 2202,8 | ▲ | +882,8 |
| ШИФЕР (1 лист) | 12550 | ▼ | -112,0 |
| АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ | 310,2 | ▲ | +1,1 |

Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.40 1 2 4 5